







“Turizm sohasi milliy iqtisodiyotning muhim drayveri” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalari to‘plami (2023 yil 25-noyabr)

Samarqand 2023

www.sies.uz

Samarqand sh. A.Temur ko‘chasi 9-uy

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

Navoiy viloyati hokimligi

Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

Turizmni rivojlantirish instituti

Qozon Federal universiteti

Qolmiq davlat universiteti

Xalqaro turizm va mehmondo‘stlik universiteti

Samarqand 2023

www.sies.uz

Samarqand sh. A.Temur ko'chasi 9-uy

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ТУРИЗМ” КАФЕДРАСИ

“ТУРИЗМ СОҲАСИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ”

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

Конференция, Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-135 сонли Қарори ижроси юзасидан ўтказилди

(2023 йил 25 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2023

Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим драйвери. / 2023 йил 25-ноябрь. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2023. – ..... бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:
С.А.Абдухамидов – кафедра мудири, доцент
Г.Р.Турсунова – кафедра доценти в.б.

Нашр учун масъуллар:
И.С.Тухлиев – кафедра профессори, и.ф.д.
З.О.Рахимов – кафедра доценти, и.ф.н.
Р.С.Амриддинова – кафедра доценти, и.ф.н.
Р.Ҳайитбоев – кафедра доценти в.б.
С.Х.Махмудов – кафедра доценти в.б.

Илмий-амалий конференция материалларида туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг муҳим драйвери сифатида ривожлантиришнинг назарий-методологик масалалари, Ўзбекистонда ички ва кирувчи туризмни барқарор ривожлантириш суръатлари ва кадрлар тайёрлаш сиёсати, Янги Ўзбекистонда рақамли технологияларни қўллаш орқали туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш, Навоий вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантиришда тарихий, маданий ва маънавий меросидан оқилона фойдаланиш ҳамда Навоий вилоятига ташриф буюрувчи туристлар оқимини кўпайтиришнинг янги йўналишлари бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Профессор-ўқитувчилар, талабалар, магистрлар, тадқиқотчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВИРТУАЛ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдухамидов С.А. – СамИСИ, “Туризм” кафедраси мудири, доц., PhD.

Аннотация: *В статье представлена информация о путях увеличения возможностей виртуального туризма в развитии туристической отрасли.*

Ключевые слова: *туризм, виртуальный мир, туризм, мобильное приложение, туристическая компания, интерактивная карта, мультимедиа, навигация, турист, достопримечательности.*

Annotation: *The article provides information on ways to increase the possibilities of virtual tourism in the development of the tourism industry.*

Key words: *tourism, virtual world, tourism, mobile application, travel company, interactive map, multimedia, navigation, tourist, attractions.*

Туризм соҳаси ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларига бевосита таъсир этиши билан бир қаторда унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳам тобора ортиб, инсонларнинг яшаш шароитлари ва сифатларини оширувчи кучли тармоқ сифатида шаклланиб бормоқда. Туризм соҳасини барқарор ривожлантириш, уни янги босқичларга олиб чиқиш, замонавий туризм инфратузилмаларини шакллантириш, туристик хизматлар турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, минтақаларнинг туристик салоҳиятидан устивор даражаларда фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда, ҳукуматимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратилганлиги, юртимизга саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун туризмни назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш талаб этилмоқда. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий мерослари билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш билан биргаликда у катта бизнес манбаси ҳамдир.

Йилдан йилга мамлакатимизнинг туристик салоҳияти фаол ривожланиб ва кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда туризм мамлакат иқтисодиётининг энг йирик ва даромадли соҳаларидан бири ҳисобланади. Туризм соҳасини ривожлантиришда бутун дунёда ахборот-коммуникацион техналогиялари, уч ўлчовли моделлаштириш ва Интернет хизматлари жадал ривожланмоқда ва объектлар ҳамда ҳодисаларни виртуал томоша қилишга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.



Бугунги кунда автоматлаштирилган маршрутларни режалаштириш ва навигация тизимлари кўплаб соҳаларда қўлланилади. Аммо, сўнгги йилларда туристик жараёнларини автоматлаштириш жуда юқори даражага етиб, кўплаб ахборот тизимлари ва воситалари туристик саёҳатларни энг кичик деталларга қадар режалаштиришга имконият яратмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда туроператор орқали туристик маршрутларни танлаш туристларни ҳар доим ҳам қониқтирмайди. Бунинг сабаблари бошқача бўлиши мумкин:

-маршрут керакли аҳоли пунктларидан ўтмайди;

- бази диққатга сазовор жойларни кўра олмайди;

- маҳаллий аҳоли ҳаётига кириб, уларнинг урф-одатлари билан танишиш имконияти чекланган ёки мумкин эмас.

Кўплаб туристлар тобора кўпроқ ўзлари режалаштирган саёҳатларга борадилар. Бунда асосий нарса - муҳим йўналишни тўғри режалаштириш ва барча мумкин бўлган нюансларни ҳисобга олиш ҳисобланади.



Бугунги кунда, ҳаётни мобил алоқа воситалари ва уларда ишлаш учун мўлжалланган мобил иловаларсиз тассавур қилиш қийин бўлиб қолди. Замонавий мобил қурилмаларнинг фаолият доиралари кундан кунга кенгайиб, инсонларнинг мобил қурилмаларга бўлган эҳтиёжи ҳам кескин ошиб бормоқда.

Мобил қурилмаларга мулжаллаб ишлаб чиқилаётган турли иловалар мустақил саёҳатни кейинги босқичга олиб чиқди. Туристик фирмалар ва агентликларнинг барча имкониятларини энди бемалол ўзимиз билан, замонавий мобил қурилмаларимизда олиб юришимиз мумкин. GPS ва хариталар, валюта калкулятори ва шаҳар кўрсатмаси, луғат ва таржимон дастурлари, қулай меҳмонхоналарни қидириш каби дастурлар тўплами саёҳатларни режалаштиришда вақт ва пулнинг тежалишига, асабларни асрашга ёрдам беради.



Туризм соаҳсининг ҳозирги ривожланиш босқичида ахборот технологиялари ва дастурий таъминот муҳим ўрин тутади. Эвалюция ва техника тараққиёти туризмга ва экскурсия тадбирларини ташкил этишга кириб борди. Бу бўйича, ноёб мултимедия қўлланмалари ишлаб чиқилган ва GPS-новигация ёрдамида мобил телефонлар учун сайёҳларга таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш жойизки, хозири кунда IT-ишлаб чиқувчилар ва туризм бозорининг энг илғор иштирокчилари орасида, шу жумладан туризм

бизнесини оптималлаштириш ва туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун мобил технологияларни жорий этиш ва мослаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. замонавий операцион тизимга эга уяли телефон ва саёҳатчилар учун фойдали дастурлар тўплами вақт ва пулни тежашга, диққатга сазовор жойларни топишга ва саёҳат пайтида ажралмас ёрдамчига айланишга ёрдам беради.

Бугунги кунда планшетлар ва смартфонлар учун яратилган мобил иловалар ички туризмни рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларни илгари суришнинг инновацион воситаси ҳисобланади. Мобил иловаларнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат: товар ва фойдаланувчи ўртасидаги соддалаштирилган алоқа, иқтисодий фойда ва қулайлик. Туристик корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва бизнеснинг долзарб устувор йўналишларига қараб, мобил иловалар янги мижозларни жалб қилишнинг самарали маркетинг воситаси ёки мавжуд мижозлар базаси билан ишлаш учун қулай хизматга айланиши мумкин.

Интерфаол мобил иловалари геолокациялар асосида маршрутларни тайёрлаш, ижтимоий тармоқлар, виртуал галереялар билан интеграция қилиш, интерактив, шу жумладан видео, анимацион графикалар, 3Д, аудио шарҳлар, панорамалардан фойдалниш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26-апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-135-сон Қарори.

2. Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.: “Фан ва технология” 2021 й.

3. https://virtre.ru/news/stanet-li-vr-turizm-alternativoj-realnyx-puteshestvij.html

4. https://esse-adoratrices.cl/consideraciones-para-el-buen-uso-de-las-plataformas-digitales/

INNOVASION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TARAQQIYOTINING TURIZM SOHASIDAGI MUHIM OMILI

Jomonqulova F.E. - SamISI dosenti, t.f.n.

Аннотация: *В этой стате представлена информасия развивающейся на сегодняшний ден отрасли, а именно о инновасионных технологиях, исползуемых в туризме. Более того, были даны предложения по исползованию этих технологий для далнейшего развития туризма в стране.*

Ключевые слова: *приспособление, аудио-гиды, турникеты, инновасионные технологии.*

Annotation: *This article provides an overview of the innovative technologies used in tourism industry. Moreover, these technologies will further develop our country’s tourism. Because they have made use suggestions.*

Key words: *gadget, audio-translator, turnstile, innovation technology.*